

Ўзбек халқининг этнопсихологик хусусиятлари

Абдуллаева Р.М. – “Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси

Ўзбек халқи ўзининг рухий қиёфаси, миллий хусусияти, миллий хулқ-атвори, миллий туйғуси, миждози, диди, таъби билан миллатлардан ажралиб туради. Ўзбек миллатининг сезгиси, идроки, хотираси, тафаккури, салоҳиятининг маълум йўналишга қаратилганлиги, эҳтиёжи ва қизиқишлари, миллий онг ўзига хос бетакрор хусусиятга эга. Ўзбекларнинг тарихий анъаналари, урф-одатлари, удуми, расм-русумлари, ахлоқ меъёри, турмуш тарзи, шахслараро муносабати, мулоқот мароми ва хусусиятлари мавжуд. Масалан, ўзбек халқи миллий табиатидаги андишалилик, хушмуомалалик, ширинсуханлик, меҳмондўстлик ва саҳийлик одатлари бошқа миллатлардан кам учраши билан алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ иззат-нафси, кадр-қимматини оёқ ости қилувчилар топилса, сабр косаси тўлса, у ўта аёвсиз, шафқатсиз бўлади, бир сўзли одат ҳам ўзбеклар учунгина хосдир.

Ҳозирги даврда миллий табиат, миллий ўз-ўзини англашнинг катта ёшдаги одамларда ва мактаб ўқувчиларида шаклланиш қонуниятини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек миллий мактабларида ўқувчилар руҳиятида миллий орасталик, соч қўйиш, ўстириш, тараш, ўриш ва кийиниш удуми, миллий таъб ва дид кабиларни таркиб топтириб бориш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада ота-оналар, ўқитувчилар муайян маслаҳат, аниқ кўрсатма билан ўқувчиларни қуроллантириш устида жиддий иш олиб боришлари зарур. Токи миллий кийимнинг иқлим шароитига мослиги, мавсумбоплиги юзасидан ўғил-қизларда яхши кечинмалар, ғурур ҳисси вужудга келсин.

Узоқ тарихий ўтмишдан ўзбек халқига мерос қолган саҳийлик, меҳмондўстлик, ростгўйлик, тантилик, садоқатлилиқ, поклик, одоблилиқ фазилатлари миллий хусусиятнинг энг муҳим жиҳати бўлиб саналади. Мазкур хислатларни ёш авлод онгига сингдириш, руҳиятини эса халқ дурдоналари билан бойитиш, миллий қадриятларни эъозлашга ўргатишимиз лозим.

Ахлоқ ва одоб малакаларини пухта эгаллаш, ота-она ва катта ёшдаги одамларни ҳурмат қилиш, самимийлик, иноқлик, кадр-қиммат, виқор, виждонлилиқ, ифбатлилиқ, ўзаро ёрдам сингари инсоний хислатлар ўзбек миллатининг маънавияти ва руҳияти рамзи ҳисобланади. Ўзбекларнинг ҳис-туйғусидаги туғишганларига нисбатан илиқ муносабат, қариндош-уруғчилиқ, қон-қардошлиқ ришталари миллий руҳиятимизни акс эттиради. Ушбу нарсаларнинг барчаси ўзбек халқининг бой маданияти, улуғвор тили, адабиёти, санъати ва обидаларида яққол кўзга ташланади, жилоланади.

Ёш авлодни тарбиялаш, камол топтириш, вояга етказиш вазифаси миллий хусусият, миллий ўз-ўзини англаш, миллий туйғу, миллий хулқ-атвор мароми, тарзига асосланиб амалга оширилса, оила муҳотида, ўқувчилар жамоасида ҳамжиҳатлик, илиқ маънавий муҳит ҳукм суриши муқаррардир. Мисол учун “гўзаллик” тушунчасини миллий нуқтаи назардан таҳлил қилиб чиқсак, у нарса турли халқларда турлича маъно касб этишига ишонч ҳосил қиламиз. Ўзбекларда қалб поклиги, дилкашлик гўзаллик мезони вазифасини ўтайди ва ҳоказо.

Ўзбек халқининг урф-одатлари, удумлари, расм-русумлари барқарор хусусият касб этишига қарамай, янги давр ижтимоий тараққиёт эҳтиёжи ва талабига мувофиқ равишда шакл жиҳатдан ўзгариб боради, натижада янги мазмун, янги моҳият касб этади. Масалан, меҳмондўстлик, инсонпарварлик, дўстлиик, болапарварлик, меҳнатсеварлик каби хислатлар ўзбекларда қадимдан мавжуд бўлган, лекин улар ҳозирга қадар янги маъно касб этмокда.

Ўзбек миллий анъаналари миллий урф-одат ва маросимлар шаклида намоён бўлади. Урф-одат муайян хадди-ҳаракатларнинг узлуксиз такрорланиб туриши ва унга барча тўла амал қилишини билдириб, ички яхлитликка, шаклан бежиримликка эгадир. Маросимнинг энг муҳим хусусиятларидан бири – бу мазкур миллатнинг назокатини, латофатини, нафосатини, шодлигини акс эттиришидир.

Урф-одат турғун ва барқарор хусусиятга эга бўлиб, халқнинг бир неча авлоди томонидан ишлаб чиқилади ва ҳаётга татбиқ этилади. Масалан, ота-онага ҳурмат, кексаларга эҳтиром қабилар ўзбекларнинг асосий урф-одати ҳисобланади, лекин у ҳозирги даврда халқ анъанасининг бир кўриниши сифатида талқин қилинади.

Ўзбек халқи расм-русумлари, маросимлари урф-одатлар доирасига кириб, турмушда уларнинг ўзаро муносабатларини англашиб келади. Бинобарин, расм-русумлар, маросимлар урф-одатларнинг намоён бўлиши шакли сифатида кўзга ташланади. Мисол учун: тўй, меҳмон кутиш, дафн қилиш билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар ўзаро умумий жиҳатлари билан ажралиб туради. Бундай маросимлар Ўрта Осиёдаги бошқа халқларда ҳам мавжуд, лекин улар амалга оширилиши жиҳатдан ўзаро тавофутланади.

Ўзбек халқининг пок қалбли, софдил, диёнатли, виждонли, иродали эканлиги унинг танишга ҳам, бегонага ҳам беғараз ёрдам қўлини чўзишида намоён бўлади. Дўстлик унинг қон-қонига сингиб кетган. Халқимизнинг фикрича, дўстлик бор жойда меҳру муҳаббат, вафо, садоқат, адолат, ҳақиқат қарор топади, бу эса ўз навбатида инсоннинг маънавияти ва руҳиятига, ақл-заковатига илҳом бахш этади, яхшилик, самимийлик сари етаклайди.